

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 34-35-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (222-223)
ТЎПЛАМИ 2006 й.
август**

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

340. «Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш ва коммунал хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 августдаги ПҚ-445-сон қарори [Кўчирма]
341. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 августдаги ПҚ-446-сон қарори
342. «Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августдаги ПҚ-449-сон қарори

Учинчи бўлим

343. «Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар ва транспорт воситаларини чет-

дан вақтинчалик олиб келиш қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 августдаги 174-сон қарори

344. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилгача даврда Жерой-Сардара кони негизида таркибида фосфор бўлган ўғитлар ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-420-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 августдаги 175-сон қарори

345. «Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 августдаги 176-сон қарори

346. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги ПҚ-381-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 августдаги 178-сон қарори

347. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 августдаги 180-сон қарори

— 348. «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 августдаги 183-сон қарори

+

Бешинчи бўлим

350. «Тергов, суриштириш ва суд давомида жиноий ишлар ва материаллар бўйича ашёвий далиллар ва моддий бойликларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 8 августдаги 63, КТБ-176-06, 3/2161, 9, 19, 12, 01-02/22-19-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 августда 1616-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

351. «Ўсимлик ёғини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2006 йил 24 августдаги 6, 77-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 августда 1617-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

352. «Электрон биржа савдо тизимига оид умумий талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 13 июлдаги 01/20-ф-қ-сон қарори. (Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 августда 1618-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

353. «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни (янги таҳрирда) тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 18 августдаги 75, 2006-36, 01-02/8-16-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 августда 1619-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
354. «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 16 августдаги 20/3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 августда 1126-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
355. «Божхона юк декларацияларини тузатиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартибига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 15 августдаги 01-02/19-18-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 августда 890-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
356. «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш лойиҳаларини ва дастурларини амалга ошираётган нотижорат ташкилотларга солиқ солиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 августдаги 78, 2006-39-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 31 августда 1620-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 19 августдан 31 августгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

340 Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги фаолияти- ни такомиллаштириш ва коммунал хўжалик корхо- наларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғри- сида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзтрансгаз» акционерлик компа-
нияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»
2006 йил 8 августдаги ПҚ-438-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон «Ўзком-
мунхизмат» агентлиги фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва унинг
самарадорлигини ошириш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини молиявий
соғломлаштиришни таъминлаш, коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз
ўсишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбе-
кистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг Минтақалараро сув қувурларидан фой-
даланиш Бош дирекциясини тугатиш ва унинг таркибига кирувчи минтақалараро
сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаларини бевосита Ўзбекистон «Ўзкоммун-
хизмат» агентлигига бўйсундириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

ходимларнинг умумий сони 37 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари сони
29 бирликдан иборат бўлган Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ташки-
лий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаларининг намунавий
тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги низом 4-иловага* муво-
фиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг асосий вазифа-
лари этиб белгилансин:

коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш,
замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани
шакллантириш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатна-
шиш, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳа-
сида рақобат мухитини яратишга кўмаклашиш;

коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ягона техникавий сиёсатни ўтказиш, ком-
мунал тармоқлар ва корхоналарни ривожлантириш, техник қайта жиҳозлаш ва мо-
дернизациялашга инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб
этишга кўмаклашиш, илғор замонавий технологиялар, машина ва ускуналарни тат-

* 1—4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

биқ этиш, сув ва иссиқлик энергиясини сотиш ҳамда истеъмол қилиш бўйича ҳисоблагичлар ва назорат асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

минтақалараро сув қувурлари фаолиятини мувофиқлаштириш, улардан самарали фойдаланиш, ишончли ва барқарор ишлашини таъминлаш, коммунал хўжалик тизимида тармоқлар ҳамда асбоб-ускуналарни капитал ва жорий таъмирлашни ташкил этиш;

коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

4. 2007 йилнинг 1 январидан республиканинг иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари уч йил муддатга асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказишдан озод этилсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг сув ва иссиқлик таъминоти корхоналаридан табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, монополияга қарши ва солиқ қонун ҳужжатларини бузганлиги учун 5-6 иловаларга* мувофиқ жарима санкциялари суммасини 2006 йил 1 апрель ҳолатига кўра ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифи;

«Ўзбекэнерго» ДАК ва «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг сув ва иссиқлик таъминоти корхоналарининг электр энергия, табиий газ, мазут ва иссиқлик энергияси бўйича тўлаш муддати ўтган қарзлари пенясини 2006 йил 1 апрель ҳолатига кўра 7-8 иловаларга* мувофиқ ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари мазкур қарорда қабул қилинган молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари муносабати билан бўшаган маблағларни коммунал хўжалик тизимидаги тармоқлар ва асбоб-ускуналарни капитал ва жорий таъмирлашга йўналтирсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 17 август,
ПҚ-445-сон

* 5—8-иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

341 «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Геология-қидирув ишларини прогношлаш, углеводородларни излаш, разведка қилиш, қазиб чиқаришдан тортиб уларни қайта ишлаш ва маҳсулот сотишгача бўлган ишлаб чиқариш-технологик циклининг барча босқичларида корхоналарнинг ўзаро боғлиқ ҳамда мақсадга йўналтирилган ишларини таъминловчи нефтгаз комплекси-ни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек ягона техникавий сиёсатни олиб бориш ва тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» МХК ҳамда нефтгаз тармоғи компаниялари ва корхоналари акциядорларининг:

«Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясини қайта ташкил этиш ҳамда унинг негизида «Ўзгеобурғунефтгаз» ва «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниялари ташкил этишни;

«Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компанияси ташкил этишни;

Шўртан газ-кимё комплексини «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси таркибига ўтказишни;

«Устюрт геофизика экспедицияси», «Амиробод геофизика экспедицияси», «Фарғона геофизика экспедицияси» ва «Бухоро геофизика экспедицияси» акциядорлик жамиятлари, шунингдек «Яккабоғ геофизика экспедицияси» унитар корхонасини «Ўзбекгеофизика» ОАЖга қўшишни;

«Автогаз» акциядорлик компаниясини «Ўзтрансгаз» АКга қўшиш йўли билан уни «Автогазсотиш» шўъба корхонасига айлантиришни;

«Ўзбекнефтгаз» МХК Бошқарувчилар кенгашини ташкил этиш ва холдинг компанияси Бошқарувининг функциялари ўзгартирилишини назарда тутган «Ўзбекнефтгаз» МХКни таркибий қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Бошқарув ходимлари чекланган сони 72 бирликдан иборат бўлган «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда ижроия аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбекнефтгаз» МХК Бошқарувчилари кенгаши Раисига зарур ҳолларда холдинг компаниясининг ижроия аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки:

Бошқарувчилар кенгаши «Ўзбекнефтгаз» МХК фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи, тармоқнинг ривожланиш стратегияси ва истикболларини белгиловчи, холдинг компаниясининг тактикаси ва унинг олдида турган ўрта муддатли вазифаларни ишлаб чиқувчи орган ҳисобланади;

холдинг компаниясининг ижроия аппарати (Бошқаруви) Бошқарувчилар кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг кузатилиши, назорат қилиниши ва ижро этилишини таъминлайдиган Бошқарувчилар кенгашининг ишчи органи ҳисобланади;

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

холдинг компанияси бошқаруви Раиси Бошқарувчилар кенгаши Раисининг ўринбосари ҳисобланади.

3. Қуйидагилар белгилансин:

«Ўзгеобурғунефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзнефтмахсулот», «Ўзтрансгаз», «Ўзнефтгазқурилишинвест» ва «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компаниялари «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг алоҳида мулкка ва мустақил балансга эга бўлган юридик шахс шаклидаги шўба корхоналари ҳисобланади;

«Ўзбекнефтгаз» МХК таркибига кирувчи акциядорлик компаниялари бош директорлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимларга тасдиқланади, холдинг компанияси Бошқарувчилар кенгашининг аъзолари ҳисобланади ҳамда мақоми, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатилиши бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарларига, уларнинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

4. Қуйидагилар:

ходимларнинг умумий чекланган сони 68 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 45 бирликдан иборат бўлган «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

ходимларнинг умумий чекланган сони 86 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 60 бирликдан иборат бўлган «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 5 ва 6-иловаларга* мувофиқ;

ходимларнинг умумий чекланган сони 174 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 113 бирликдан иборат бўлган «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 7 ва 8-иловаларга* мувофиқ;

ходимларнинг умумий чекланган сони 46 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 40 бирликдан иборат бўлган «Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 9 ва 10-иловаларга* мувофиқ;

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 8 бирликдан иборат бўлган «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 11 ва 12-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

«Ўзгеобурғунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК «Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси томонидан тегишли фаолият йўналишлари бўйича тузилган шартномалар ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланадилар;

таъсис этилаётган «Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компанияси «Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятларнинг лойиҳа ишларини ўтказиш ва капитал қурилиш қисми бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Вазирлар Маҳкамасининг ёқилғи, энергетика, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари бўйича комплекси раҳбари Э.Р. Шоисматов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» МХК билан биргаликда бир ой муддатда:

«Ўзгеобурғунефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзнефтгазқурилиш-инвест» акциядорлик компанияларини таъсис этиш, уларнинг устав жамғармалари миқдо-

* 3—12-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

рини белгилаш, компанияларнинг низомларини рўйхатдан ўтказиш борасидаги барча ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин;

холдинг компанияси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК таркибига кирувчи акциядорлик компаниялари ижроия аппаратларининг тузилмалари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини ва улар юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзгеобурғунефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзнефтмахсулот», «Ўзтрансгаз» ва «Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компаниялари, «Ўзбекгеофизика» ОАЖ ва «Андижоннефт» ОАЖ эмиссия проспектларини рўйхатдан ўтказиш учун йиғим тўлашдан озод қилинсин.

8. Ижроия аппаратлари қуйидаги манзилларга жойлаштирилсин:

«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК — Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси 66-уй;

«Ўзгеобурғунефтгаз» АК — Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси 35-уй;

«Ўзнефтгазқурилишинвест» АК — Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси 98-уй.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 август,
ПҚ-446-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

342 Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни етакчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган замонавий, илғор минитехнологиялар ва ускуналар билан таништириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уларни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишга ва шу асосда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашни таъминлаш, сифатли, рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмасининг:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

2006 йил 21 октябрдан 10 ноябргача Тошкент шаҳрида «Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖнинг кўргазма майдонларида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказиш тўғрисидаги;

2006 йилнинг 10 ноябридан бошлаб «Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖ ҳудудида фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ускуналарнинг доимий ишлайдиган кўргазма-савдосини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосига минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий компанияларни кенг кўламда жалб қилиш ва уларнинг иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖнинг кўргазма майдонлари кўргазма иштирокчиларига текин берилиши белгилаб қўйилсин.

2. Қуйидагилар:

қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг таркиби 1-иловага* мувофиқ;

қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси («Uzbekistan Agrominitech Expo-2006»)ни ўтказишнинг мавзу-экспозиция режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (Ш.М. Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда шу йилнинг 20 октябригача Германия, Венгрия, Италия, Бельгия, Австрия ва бошқа мамлакатлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарадиган етакчи компанияларни кўргазма-савдода қатнашишга жалб этиш бўйича фаол реклама — ахборот ва ташкилий ишларни олиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбарлари, шунингдек республиканинг барча минтақаларидаги агрофирма ва фермер хўжаликларининг вакиллари томонидан кўргазма-ни бориб кўриш жадвали 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари ва лизинг компаниялари билан биргаликда кўргазма доирасида импорт минитехнологиялари асосидаги лойиҳаларни амалга оширишга тааллуқли тематик семинарларни 4-иловага* мувофиқ ташкил қилсин;

кўргазма қатнашчилари орасида тарқатиш учун чет элларда ишлаб чиқариладиган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг батафсил каталогини нашр этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Савдо-саноат палатаси ҳамда Фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда ўн кун муддатда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар томонидан эҳтиёж мавжуд бўлган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг турлари бўйича таклифларни тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республи-

* 1—4-иловалар берилмайди.

касига 2 йилгача бўлган муддатга минитехнологиялар ва ихчам ускуналар намуналарини вақтинча олиб кириш режимида кейинчалик уларни тузилган импорт ёки лизинг шартномалари асосида агрофирмалар ва фермер хўжаликларига сотилишига шароит яратиш учун, истисно тариқасида, божхона тўловларисиз расмийлаштирсин.

Кўргазма-савдоларда иштирок этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар олиб келувчи компаниялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), шунингдек мазкур минитехнологиялар ва ускуналарни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг талабномаларига кўра кўргазманинг хорижий иштирокчиларига кириш визалари консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар ундириб олинмасдан тезкор расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ўтказиладиган жойлар ва кўргазма иштирокчиларининг яшаш жойларида тўлов ундирилмаган ҳолда жамоат тартиби сақланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси иши оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 август,
ПҚ-449-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

343 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида

Хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг эҳтиёжлари учун, шунингдек уларнинг ходимлари эҳтиёжлари учун автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига вақтинчалик олиб келиш шартларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги 399-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 85-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш қоидаларининг II бўлими 5-бандининг «а» кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Автотранспорт воситаларини вақтинчалик олиб келишга:

мазкур кичик банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ваколатхоналар учун, — бир ходимга 1 та (битта) автотранспорт воситаси;

мазкур кичик банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган жисмоний шахсларнинг шахсий фойдаланиши учун, — ваколатхонанинг бир ходимига ва унинг оиласининг вояга етган аъзосига 1 тадан (биттадан) автотранспорт воситаси, бироқ бир оилага 2 тадан (иккитадан) ортиқ бўлмаган автотранспорт воситаси ҳисобидан келиб чиқиб йўл қўйилади.

Автотранспорт воситаларини вақтинчалик олиб келишга миқдорий чеклашлар Ўзбекистон Республикасининг эришилган ахдлашувларидан келиб чиқиб, шунингдек бараварлик шартларида ёки мурувват лойиҳалари ва техник қўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзгартирилиши мумкин. Миқдорий чеклаш ўзгариши тўғрисидаги қарор аккредитация бўйича ваколатли органнинг биринчи раҳбари томонидан қабул қилинади, кейинчалик бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилинади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 август,
174-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAХҚAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**344** Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилгача даврда Жерой—Сардара кони негизида таркибида фосфор бўлган ўғитлар ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-420-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилгача даврда Жерой—Сардара кони негизида таркибида фосфор бўлган ўғитлар ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-420-сон қарорининг 11-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Қизилқум фосфорит конларини комплекс ўзлаштириш тўғрисида» 2001 йил 16 майдаги 219-сон қарорининг 1—4-бандлари, 6, 9 ва 14-бандлари ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига илованинг 46-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Қизилқум фосфорит комплексини ривожлантиришни ва Самарқанд кимё заводини реконструкция қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 13 мартдаги 135-сон қарорининг 1, 4—6-бандлари, 8 ва 9-бандлари ҳамда қарорга 2—4-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концернини тугатиш ва Навоий кон-металлургия комбинати фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2004 йил 19 майдаги 237-сон қарорига 4-илованинг 9-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 август,
175-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI**345 Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги ПҚ-338-сон қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида спорт ўқув-методик муассаси бўлган ҳамда ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида амалга оширувчи Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактаби ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабининг таклиф этилаётган тузилмаси иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Қуйидагилар Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактаби фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон терма командалари ва профессионал футбол клублари учун бош мураббийлар ва катта мураббийлар, шунингдек футбол бўйича мактаб-интернатлар профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари учун бош мураббийлар тайёрлаш;

футбол бўйича республика мусобақалари ва халқаро мусобақаларда юқори сифатли ҳакамликни таъминлаш учун малакали ҳакамлар тайёрлаш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабининг тингловчилари сифатида:

ўқиш муддати 6 ой бўлган тренерлик бўлимига — миллий чемпионатларда, шунингдек миллий терма командалар таркибида ўйин тажрибасига, тегишли тренерлик стажига, Осиё футбол конфедерациясининг «С» тренерлик лицензиясига, камида ўрта махсус маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий давлатлар фуқаролари;

ўқиш муддати 3 ой бўлган ҳакамлик бўлимига — футбол бўйича мусобақаларда ҳакамлик қилиш тажрибасига, ФИФА тавсияларига жавоб берувчи антрометрик кўрсаткичларга эга бўлган, ёши 35 ёшдан катта бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий давлатлар фуқаролари қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон футбол федерацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабининг уставини тасдиқласин ва Мактабнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда футбол бўйича тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга давлат талабларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

таълим жараёнини зарур даражада ташкил этиш мақсадида Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабини малакали мутахассислар билан бутлаш, зарур ўқув-методик адабиётларни танлаган ҳолда ўқув аудиторияларини жиҳозлаш чора-тадбирларини таъминласин;

футбол назарияси ва методикаси, ҳакамлар тайёрлаш бўйича ўқув ва илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқсин ва нашрга тайёрласин;

Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабининг футбол бўйича тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича илғор хорижий таълим ва илмий марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабига ўқишга юбориладиган тинловчиларни танлаб олиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласин ҳамда минтақавий футбол федерацияларига, футбол клублари, мактабларига ва бошқа ташкилотларга уларнинг вакиллари-ни ўқишга юборишда ҳар томонлама қўмақлашсин.

6. Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлаш республика мактабида ўқиш учун жалб қилинаётган тинловчиларга ўқиш даврида уларнинг асосий иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолиниши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

футбол бўйича тренерлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури бўйича давлат талабларини бажарган тинловчиларга Ўзбекистон терма командалари ва профессионал футбол клублари, олий лига ва биринчи лига футбол командаларида мураббийлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги сертификат берилади;

футбол бўйича ҳакамлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури бўйича давлат талабларини бажарган тинловчиларга футбол бўйича халқаро мусобақаларга ва республика мусобақаларига хизмат кўрсатиш учун тегишли ҳакамлик тоифасини олиш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги сертификат берилади.

8. Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Банклараро спорт-соғломлаштириш маркази базасида жойлаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Банклараро спорт-соғломлаштириш маркази Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини шартнома асосида мактаб маъмуриятининг ишлаши, спорт ускуналари, жиҳозлари ва формаларини сақлаш учун зарур бинолар, назарий машғулотлар ўтказиш учун аудиториялар ҳамда амалий машғулотлар ўтказиш учун спорт иншоотлари, ёрдамчи бинолар ва бошқа бинолар билан таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сонлар, 20-модда):

а) 2-илова қўйидаги мазмундаги 30-банд билан тўлдирилсин:

«30. Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби»;

б) 3-иловада мутасаддилик қилинадиган ташкилотларнинг учинчи блоки қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби».

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 август,
176-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 18 августдаги 176-сон қарорига
ИЛОВА

Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабининг тузилмаси



Изоҳ:

Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби учун ходимларнинг энг кам сони 12 киши назарда тутилмоқда.

Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби тингловчилари билан ўқув машғулоти ўтказиш учун шартнома асосида мамлакатимиз олий ўқув юртларидан, хориждан ва Ўзбекистон футбол федерациясидан амалиётчи мутахассислар, профессор-ўқитувчилар жалб қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**346** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги ПҚ–381-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги ПҚ–381-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 август,
178-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 21 августдаги 178-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 47-модда):

а) 2-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш»;

б) 1-илованинг II бўлимига қуйидаги мазмундаги 15-банд қўшилсин:

«15. Республика ахборот-кутубхона маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари»;

в) 4-иловада:

2-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Республика ахборот-кутубхона маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари — ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш ва уларни ривожлантириш, универсал ахборот ресурсларини, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқалар) фондини шакллантириш, сақлаш ва уларни бериш, шунингдек ахборот-ресурс марказларининг ахборотлаштириш ва жойларда кутубхона иши соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш»;

8-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

«аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш»;

9-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«электрон кутубхона тизими ривожлантирилишини, кутубхона ахборот ресурслари тизимлаштирилишини, аҳолининг кенг қатламлари ахборот-кутубхона марказлари ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда):

а) 2-илова 20-бандидаги «Кутубхоналар» сўзи «Кўзи ожизлар учун кутубхоналар» сўзлари билан алмаштирилсин»;

б) 3-илованинг мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар блокидаги «Кутубхоналар» сўзи «Кўзи ожизлар учун кутубхоналар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Матбуот, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 16 августдаги 200-сон қарорига 1-иловага (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 46-модда) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи «Республика ахборот-кутубхона маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари» блоки қўшилсин.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

347 «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сон Фармонини бажариш юзасидан:

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонлари ва уларга гувоҳномалар намуналари тасдиқланганлиги ва тайёрланганлиги;

белгиланган миқдорда — йигирма беш минг эсдалик нишони билан мукофотлаш учун худудлар, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари бўйича номзодлар танланганлиги;

эсдалик нишонларига шахсий гувоҳномалар расмийлаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ва ташкилотларининг ишчи ва хизмат-

чилари, кишлок ва сув хўжалиги меҳнаткашлари, тадбиркорлар, ижтимоий соҳа ходимлари, фан, маданият ва санъат арбоблари, ижодий уюшмалар, жамоат, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва давлат хизматчилари тақдим этилган рўйхатларга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан мукофотлансин.

3. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонларини топшириш жадвали иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари нишонлар «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» нишони тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда топширилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги эсдалик нишонлари топширилиши маросими оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш бўйича тузилган Ишчи гуруҳга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 22 август,
180-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

348 Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг рақобатбардошлилигини ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини кўпайтириш ва ташкилотларда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш юзасидан назарда тутилган чора-тадбирлар бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорини бажариш юзасидан 1-илова** мувофиқ

* Илова берилмайди.

** 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

25 та корхонада сифатни бошқариш тизимлари жорий этилганлиги ва сертификатлаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2-иловага* мувофиқ хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг уларда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши муддатлари ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Сифатни бошқариш тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳнинг янгиланган таркиби 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун маслаҳатчини жалб этиш очиқ танлов асосида амалга оширилади;

сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган сертификатлаш органлари томонидан амалга оширилади;

давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот харид қилишда тендер савдоларини ўзқаришда бошқа кўрсаткичлар тенг бўлганда сифатни бошқаришнинг сертификатлаштирилган тизимига эга бўлган мамлакатимиз етказиб берувчиларига устунлик берилди;

ушбу қарорнинг 2-иловасига зарурат бўлганда ўзгартириш ва қўшимчалар тегишли манфаатдор идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг таклифлари асосида Сифатни бошқариш тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳнинг қарори билан киритилади.

5. Корхоналарнинг раҳбарларига сифатни бошқариш тизимининг мувофиқлиги тўғрисидаги сертификат олинганидан сўнг тизимни жорий этишда иштирок этган ходимларни лавозим маошининг ўн бараваригача миқдорда бир йўла мукофотлаш тавсия этилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 август,
183-сон

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

** 3-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 29 августдаги 183-сон қарорига
4-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банд ҳамда 1 ва 2-иловалар ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. 3-банднинг биринчи хатбошидаги «2-иловага мувофиқ таркибда» сўзлари чиқариб ташлансин.
3. 5-банддаги «Синов лабораториялари томонидан четдан олиб келинадиган» сўзлари «Синов лабораторияларига эга бўлган корхоналар томонидан четдан олиб келинадиган» сўзлари билан алмаштирилсин.

—

+

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

350 Тергов, суриштириш ва суд давомида жиноий ишлар ва материаллар бўйича ашёвий далиллар ва моддий бойликларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 августда 1616-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2006 йил 2 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 июлдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш» ҳақидаги 139-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Тергов, суриштириш ва суд давомида жиноий ишлар ва материаллар бўйича ашёвий далиллар ва моддий бойликларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома* тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги томонидан 1995 йил 23 мартда 14/1-3-сон билан тасдиқланган «Жиноят ишлари бўйича олинган ашёвий далиллар, ўқ отар қуроллар, моддий бойликлар ва бошқа мулкларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Йўриқнома рус тилидаги матнда берилган.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Бош прокурор Р. ҚОДИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август,
63-сон

Олий суди раиси в.б. Н. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август,
КТБ-176-06-сон

Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август,
3/2161-сон

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август,
9-сон

Адлия вазири Б. МУСТАФОЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август,
19-сон

Мудофаа вазири Р. МИРЗАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август,
12-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 август,
01-02/22-19-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

351 Ўсимлик ёғини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 августда 1617-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги ПҚ-360-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сонли қарорига асосан **қарор қиламиз:**

1. Илова* қилинаётган Ўсимлик ёғини сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Ёғ-мой ва озик-овқат саноат уюшмаси, Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 5 апрелдаги «Биржа савдоларида ўсимлик мойини сотиш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 25, 01/24-18, 46, 01/1-10, 42-01/156-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Иқтисодиёт вазири Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 август,
6-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 август,
77-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

352 Электрон биржа савдо тизимига оид умумий талаб- лари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 августда 1618-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва Биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сонли «Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Электрон биржа савдо тизимига оид умумий талаблари тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 13 июль,
01/20-ф-қ-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

353 Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
24 августда 1619-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги «2006—2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизда тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-386-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 230-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова* қилинаётган Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (янги таҳрирда) тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 6 февралда 28, 2004-19, 01-02/8-13-сон билан тасдиқланган «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2004 йил 23 февраль, рўйхат рақами 1315 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 август,
75-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 август,
2006-36-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 август,
01-02/8-16-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

354 Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари
ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби
тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
25 августда 1126-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 4 сентябрдан кучга киради)

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сонли «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий уставини ҳамда Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги Намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида» қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлар ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомга» (2002 йил 18 апрель, рўйхат рақами 1126 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси 2002 йил, 8-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 14 июлдаги «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлар ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 16/8-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 август,
20/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**355** Божхона юк декларацияларини тузатиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартибига қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
25 августда 890-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 4 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига мувофиқ ҳамда божхона юк декларацияларини тузатиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартибини соддалаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 7 февралда 890-рақам билан рўйхатга олинган «Божхона юк декларацияларини тузатиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби»га иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари Ш. Хайруллаев зиммасига юклатилсин.

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 август,
01-02/19-18-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

356 Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш лойиҳаларини ва дастурларини амалга ошираётган нотижорат ташкилотларга солиқ солиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
31 августда 1620-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 10 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 309-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 15-16-сон, 126-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова* қилинаётган Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш лойиҳаларини ва дастурларини амалга ошираётган нотижорат ташкилотларга солиқ солиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 август,
78-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 август,
2006-39-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 19 августдан 31 августгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Тергов, суриштириш ва суд давомида жиноий ишлар ва материаллар бўйича ашёвий далиллар ва моддий бойликларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 8 августдаги 63, КТБ-176-06, 3/2161, 9, 19, 12, 01-02/22-19-сон қарори.*

2006 йил 23 августда 1616-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 2 сентябрдан кучга киради).

2. «Ўсимлик ёғини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2006 йил 24 августдаги 6, 77-сон қарори.*

2006 йил 24 августда 1617-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 сентябрдан кучга киради).

3. «Электрон биржа савдо тизимида оид умумий талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 13 июлдаги 01/20-ф-қ-сон қарори.*

2006 йил 24 августда 1618-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 сентябрдан кучга киради).

4. «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни (янги таҳрирда) тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 18 августдаги 75, 2006-36, 01-02/8-16-сон қарори.*

2006 йил 24 августда 1619-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 сентябрдан кучга киради).

5. «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 16 августдаги 20/3-сон қарори.*

2006 йил 25 августда 1126-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 4 сентябрдан кучга киради).

6. «Божхона юк декларацияларини тузатиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартибига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси*

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 15 августдаги 01-02/19-18-сон қарори.

2006 йил 25 августда 890-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 4 сентябрдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш лойиҳаларини ва дастурларини амалга ошираётган нотижорат ташкилотларга солиқ солиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 августдаги қарори.*

2006 йил 31 августда 1620-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 10 сентябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Биржа савдоларида ўсимлик мойини сотиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом. *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси, Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси бошқаруви томонидан тасдиқланган (2004 йил 11 май, рўйхат рақами 1350)*

Адлия вазирининг 2006 йил 24 августдаги 147-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (2004 йил 23 февраль, рўйхат рақами 1315)*

Адлия вазирининг 2006 йил 24 августдаги 149-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 1997 йил 3 декабрда тасдиқланган.*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат ўсимликлар карантини хизмати руҳсати билан Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва унинг ҳудудидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотлар, юклар ва товарлар Номенклатураси. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 1999 йил 26 февралда тасдиқланган.*

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъерий ҳужжатлар қучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъерий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

+

-

-

+